

## ЛИЗИНГ ФАОЛИЯТИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ЗАРУРИЯТИ

Йўлдошбеков Анваржон Алишер ўғли  
anvarbekyuldashbekov07@gmail.com

**Аннотация:** Мамлакатимизда иқтисодиётни эркинлаштириш, лизинг тизимини ривожлантириш турли мулкчилик шаклидаги хўжаликларнинг моддий техника базасини мустақамлашда ривожланган мамлакатлар ҳуқуқий тажрибасини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Шу боис ривожланган хорижий давлат тажрибасида самарали қўлланилиб келинаётган янги шартномаларга асосланган тадбиркорлик фаолияти йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилди. Мазкур шартномалар янги ҳуқуқий конструкциялар сифатида тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантиришга хизмат қилиши билан бирга, ривожланган бозор қонуниятларига ҳам мослиги билан ажралиб туради.

**Калит сўзлар:** фуқаролик-ҳуқуқий шартнома, лизинг, франшизинг, ижара муносабатлари.

Янги Ўзбекистонда миллий иқтисодиётни ривожлантириш ва бунда янги воситаларни самарали қўллаш тизими яратилди. Илгари амалда бўлган, талаб ва таклиф, рақобат каби мезонларга жавоб бермайдиган, маъмурий буйруқбозликка буйсундирилган, қолоқ режали иқтисодиёт воситалари ўрнига иқтисодий муносабатларни шартномалар орқали тартибга солиш ўсулига ўтилди. Шу боис ривожланган хорижий давлат тажрибасида самарали қўлланилиб келинаётган янги шартномаларга асосланган тадбиркорлик фаолияти йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилди. Бундай шартномалар жумласига рента, факторинг, концессия, комплекс тадбиркорлик лицензияси (франшизинг), лизинг шартномаларини киритиш мумкин. Мазкур шартномалар янги ҳуқуқий конструкциялар сифатида тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантиришга хизмат қилиши билан бирга, ривожланган бозор қонуниятларига ҳам мослиги билан ажралиб туради.

Мутахассислар томонидан ҳам лизинг фаолиятини тартибга солиш борасида бир қатор фикрлар билдирилган. Жумладан, О.Т.Ҳазратқуловнинг фикрича, ҳозирда мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи хўжаликларни қўллаб-қувватлашга қаратилган ҳаракатлар лизингни республика иқтисодиётига жорий этиш заруриятини кун тартибига қўйди. Ўз навбатида, тадбиркорлик субъектларининг молиявий тарафлама инқирозга юз тутиши ёки уларда етарли даражада айланма пул маблағларининг мавжуд эмаслиги лизингга бўлган эҳтиёжни кучайтиради.

Лизинг аҳамияти ва зарурати борасида фикр юритиб, Э.Р.Набиев ва М.Д.Марпатовлар қуйидаги фикрни билдирадilar: мазкур ижара муносабатларининг бугунги кунда турли-туман шакллари ва турлари қўлланилаётганлиги ҳамда у махсус ихтисослашган ва бошқа молиявий ташкилотлар ҳамкорлигида амалга оширилаётганлиги сабабли, лизинг муносабатларининг мазмуни бойиб бормоқда .

Иқтисодчи Е.А.Тельтевскаянинг ёзишича, иқтисодиётнинг глобаллашуви ва интеграция жараёнларининг кенгайиши шароитида корхоналарнинг рақобат имтиёзини ошириш омили сифатида турли инвестициялар алоҳида аҳамият касб этадики, бунда корхоналар олдида асосий фондларни янгилаш ва моддийтехник ривожланиш муаммоси юзага келади. Бироқ кўп ҳолларда компаниялар етарли даража ўз маблағларига эга бўлмайдилар. Акциялар ёки облигацияларни қўшимча эмиссия қилиш имкониятига эга фақат йирик компаниялар эгадирлар. Банклар эса асосан яхши кредит тарихига ва юқори ликвидли маблағларга эга корхоналарни кредитлашни лозим кўришади.

Лизинг шартномасининг моҳияти ва уни ҳуқуқий тартибга солиш зарурати хусусида И.И.Шарапов шундай ёзади: мулкӣ муносабатларнинг иқтисодий моҳияти ҳуқуқий тартибга солиш предмети ҳисобланади ва тегишли ҳуқуқий нормаларнинг мазмунини белгилаб беради, бироқ ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳуқуқий тартибга солиш ўз қонуниятларига асосланиши ва мажуд бўлган ёндашувлар асосида ҳуқуқий тартиботни белгилаш лозим.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда, шунингдек ижара муносабатларини такомиллаштиришда лизинг шартномаси катта аҳамият касб этади. Лизингни қўлланилиши билан давлат ва тадбиркорлар инвестиция муҳитининг яхшиланишига ва жаҳон бозорида хорижий компаниялар билан рақобат қила олиш даражасида саноат, қишлоқ хўжалигининг базавий соҳаларида ишлаб чиқариш суръатларининг ошишига умид қилишади. Бошқача айтганда, лизинг мамлакат иқтисодиётининг барча соҳаларидаги мавжуд техник ва технологик базани қайта жиҳозлаш воситаси сифатида қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 2015 йил 27 ноябрда 289-сон билан қабул қилинган “Лизинг муносабатларини тартибга солувчи қонунчилик меъёрларининг хўжалик судлари томонидан қўлланиши бўйича айрим масалалар тўғрисида”ги Қарори лизинг фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишда катта аҳамият касб этади. Мазкур ҳужжатда лизинг объектлари, лизинг берувчи ва лизинг олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, лизинг шартномаларининг шартлари, лизинг объектига бўлган мулк ҳуқуқи, у билан боғлиқ таваккаллар, лизинг объектидан гаров сифатида фойдаланиш, субъектларнинг жавобгарлиги ва бошқа масалалар ўз аксини топган. Ушбу қарорга кўра лизинг субъектлари томонидан ўз мажбуриятларини бажармаслик ёки тегишли тарзда бажармаслик муносабати билан юзага келадиган

низоларни ҳал этишда судлар уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шартнома шартларини пухталики билан ўрганиши керак.

Шунингдек, мамлакатимизда иқтисодий эркинлаштириш, лизинг тизимини ривожлантириш турли мулкчилик шаклидаги хўжаликларнинг моддий техника базасини мустақамлашда ривожланган мамлакатлар ҳуқуқий тажрибасини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Жаҳон тажрибасига эътибор қаратсак, лизинг компанияларнинг ихтисослашганлиги, лизинг операция хажми, имконияти, ҳудудий жойланиши ва бошқа кўрсаткичлар билан ажралиб туради.

Бир неча давлатларда халқаро молиявий лизинг шартномасини тузиш шу давлатнинг “Лизинг тўғрисида”ги қонунига ёки шартнома тарафлари келишувига асосан “Халқаро молиявий лизинг тўғрисида”ги УНИДРУА конвенция меъёрларига мувофиқ белгиланади. Россия Федерациясида лизинг Гражданлик кодекси ва “Молиявий ижара (лизинг) тўғрисида” 1 ги қонун билан тартибга солинади. Россия Федерацияси Гражданлик кодексига мувофиқ лизинг шартномаси – ижара шартномасининг бир тури сифатида тан олинади. Шунинг учун халқаро молиявий лизинг шартномаси тузилаётганида келиб чиқадиган муаммоларни бартараф этиш учун ижара шартномаси тарафларига қўйиладиган коллизия нормалар қўлланилади 2 . Бундан ташқари, Россия Федерациясининг “Молиявий ижара (лизинг) тўғрисида” ги қонунда лизинг шартномаси предмети билан боғлиқ масалаларга оидлик киритилган. Унга кўра, лизинг шартномасининг объекти кўчмас мулк бўлса, агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Белгия давлатида лизингни "молиявий ижара (location financement)" деб аталади ва ушбу муносабат французлар каби ҳуқуқий тартибга солинади . Яъни 1967 йил 10 ноябрдаги “Молиявий лизинг амалиётини юритувчи корхоналар тўғрисида” ги қироллик қонунда молиявий лизинг, ижара каби атамалар ва унга яқин категориялар ўз аксини топган. Италияда молиявий ижара шартномаси (operazione di locazione finanziaria) ўзгача аҳамият касб этиб, унда лизинг предмети бўлган саноат ускуналари ва жиҳозлари кўчмас мулкка нисбатан ўрнатилган қоидалар асосида тартибга солинади. Бу ҳолатда лизинг берувчи лизинг предметини кўчмас мулкдан ажратган ҳолда лизинг шартномаси орқали бериши мумкин.

АҚШда лизинг компанияларининг йирик ускуна ишлаб чиқарувчи компаниялар томондан ташкил қилинган ва бошқа лизинг компаниялар йирик назорат банкларга тегишлидир. Бу компанияларнинг фаолият соҳаси минтақавий банкларнинг таъсир доирасидаги ҳудудларга тўғри келади. Америка қонунларининг муҳим томони шундан иборатки, унда тижорат банклари томонидан муайян молиявий хизмат турларини бажариш тақиқланади ва лизинг компаниялари банклардан ажратилган. Бундан ташқари, ҳатто йирик суғурта компаниялари ҳам лизинг соҳасига алоҳида эътибор қаратади, яъни улар фаолиятини суғурталаш билан шуғулланади. АҚШ солиқ қонунчилиги бўйича юридик шахсларга ўз даромадлари ҳисобидан лизинг орқали

ускуналар сотиб олиш кўпроқ фойда келтиради ва уларга солиққа оид имтиёзлар яратиб берилган.

МДХ давлатларида халқаро молиявий лизинг фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотлар ўртасида ўзаро низо келиб чиққан тақдирда

1992 йил 20 мартда қабул қилган "Низоларни ҳал этиш тартиби тўғрисида"ги битимнинг умумий қоидаларга асосланган ҳолда ҳал этилади. Ушбу битимнинг 11-моддаси "е" бандига асосан, агар тарафлар ўртасида тузилган шартномада бошқача ҳолат назарда тутилган бўлмаса, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари битим тузилган давлат қонунчилиги билан белгиланади. Молиявий лизингни ҳуқуқий тартибга солиш МДХ давлатларининг барчасининг Фуқаролик кодексларида ва махсус қонунларида белгиланган. Бу давлатлар қонунчилигида лизинг ижара шартномасининг бир тури сифатида қаралади ва уларнинг барчаси Оттава конвенциясига асосланади.

Белоруссия Республикасида лизинг муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш Фуқаролик кодексининг 34-боб 6-банди, Беларус Республикаси Президентининг 13 ноябр 1997 йил "Лизинг тўғрисида"ги 587-сонли Фармонида ҳамда ва Беларус Республикаси Министрлар Советининг 1997 йил 31 декабрдаги 1769-сонли қарори билан тасдиқланган "Лизинг тўғрисида"ги низо асосида тартибга солинади. Молдова Республикасининг "Лизинг тўғрисида"ги қонунига биноан лизинг олувчига берилган мулкка нисбатан шартнома муддати давомида мулкка эгалик ҳуқуқи лизинг берувчида қолади. Украина Республикасининг "Лизинг тўғрисида"ги қонунига ҳам бутун шартнома муддати давомида мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи лизинг берувчида сақланиб қолади. Лизинг олувчи банкрот бўлиб қолган ҳолларда, унинг барча мулки хатланган ёки мусодара қилинган ҳолларда лизинг объекти лизинг олувчининг мулкидан ажратиб олиниб, лизинг берувчига қайтарилади. Мазкур нормалар Ўзбекистон Республикасининг "Лизинг тўғрисида"ги қонуннинг 15- моддаси 4-бандида ҳам ўз ифодасини топган.

Қозоғистон Республикасида ҳам лизинг муносабатлари махсус қонун билан тартибга солинади. Ушбу мамлакат "Молиявий лизинг тўғрисида"ги қонунининг 2-моддасида лизинг шартномасини асосий тушунчалари берилган. Унга кўра молиявий лизингни – инвестиция фаолиятининг бири тури сифатида эътироф этилади. Бундан ташқари, лизинг берувчи, лизинг олувчи, сотувчи, лизинг битимлари, сублизинг, лизинг фаолияти, лизинг муносабатларида фойдаланиб бўлмайдиган ашёларга нисбатан алоҳида тавсиф бериб ўтилган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки бугунги кунда лизинг фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишнинг аҳамияти зарурати давр билан ҳамнафас ва ҳамқадам бўлган ҳолда, жадал суръатларда ривожланиб боради. Мамлакатимизда лизинг берувчилар ва лизинг олувчилар учун қулай бозор инфратузилмаси ва тегишли яратилган қонунчилик базасини такомиллаштириш ҳамда камчиликларни бартараф этиш бугуннинг заруратидир. Шу билан бирга мулквий муносабатларнинг фуқаролик ҳуқуқий тартибга солишнинг самарадорлигини оширишни тақазо этади.

Жумладан, лизинг тўғрисидаги қонунда миллий лизинг берувчи ва лизинг олувчи қайси меъёрлар асосида, хориж лизинг субъектлари ҳисобланмиш лизинг берувчи ва лизинг олувчи қайси меъёрлар асосида фаолият олиб бориш тартиби ҳуқуқий нормалар билан белгилаб қўйилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки, юқоридаги нормаларни лизинг қонунчилигига киритилиши биринчи навбатда давлат томонидан субъектларга бериладиган имтиёзлар доирасини аниқлаш ва фаолиятини кафолатлашда муҳим аҳамият касб этади. Лизинг қонунчилигида хориж субъектларнинг ҳуқуқий ҳолати аниқ белгилаб қўйилса, улар томонидан шартнома тузиш тартиби ва фаолият олиб бориш шартлари белгиланса, шунда шартнома субъектларининг ҳуқуқларини қонун билан ҳимоя қилинган бўлади ва халқаро нормаларни бирхиллаштириш амалга оширилган бўлади. Бундан ташқари, қонун нормаларига мазкур қоидаларнинг киритилиши Ўзбекистон ҳудудида халқаро лизинг операцияларни амалга оширишга енгиллик киритади ва тарафлар ўртасида келиб чиқадиган муаммоли масалаларга чек қўяди.

#### Фойдаланилган адабиётлар (REFERENCES):

1. Ҳазратқулов О.Т. Лизинг муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари.- Тошкент: Noshir, 2014. – 3 б.
2. Набиев Э.Р., Марпатов М.Д. Лизинг ғояси, тарихи, ҳуқуқий асослари ва амалиёти. – Тошкент: «ЎАЖБНТ» Маркази, 2004. – 18 б.
3. Тельтевская Е.А. Развитие и совершенствование лизинга как современной формы инвестиций в обновление основного капитала: Автореф. дис. ... канд. экон. наук. – М.: 2005. – 3 с.
4. Azimjon. I. (2022). Zarar–yuridik shaxs ishtirokchilari va boshqaruv organlari fuqarolik-huquqiy javobgarligining zaruriy sharti sifatida.
5. Ibrohimov.A.A. (2023). Ijara munosabatlarida ijara haqini to'lash bilan bog'liq masalalar. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 3(2), 607-612.
6. US Department of Commerce, Economics and Statistics Administration.– Bureau of Economic Analysis and Equipment Leasing Association of American. – New York.: – 2010. – P.345.
7. Харитонов Ю.С. Законодательство о лизинге в странах Западной Европы и США // Законодательство. – М., 2000. – № 8. – С.71-84.